



Дажжол ҳақида бирор пайғамбар ўз қавмига айтмаган хабарни айтайми?. Билиб қўйингларки, Дажжолнинг (бир) кўзи ғилай (кўр). Жаннат ва дўзахга ўхшаш нарсалар билан келади

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Дажжол ҳақида бирор пайғамбар ўз қавмига айтмаган хабарни айтайми?. Билиб қўйингларки, Дажжолнинг (бир) кўзи ғилай (кўр). Жаннат ва дўзахга ўхшаш нарсалар билан келади. Бу жаннат деяётган нарсаси дўзах, Нуҳ ўз қавмини огоҳлантиргани каби мен ҳам сизларни огоҳлантираман», – дедилар.

[Тўғри матн] [Муттафақун алайҳ]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бирорта пайғамбар ўз қавмига айтмаган дажжолнинг сифат ва аломатлари ҳақида хабар бердилар. Улардан: Бир кўзи ғилай. Аллоҳ таоло у билан жаннат ва дўзах каби нарса қилиб қўйди. Инсонларни кўзига шундай кўринади. Лекин унинг жаннати дўзах ва дўзахи жаннат. Ким унга итоат қилса одамларга жаннатдай кўринадиган жаннатига киргизади, аслида эса у дўзахдир. Ким унга осийлик қилса, одамларга дўзахдай кўринадиган, аслида эса, пок жаннатга киргизади. Сўнгра Нуҳ алайҳиссалом ўз қавмини қайтаргани каби Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам бизни қайтардилар.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/3110>